

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

314 Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 14 ноябрдаги 322-сон қарорини бажариш юзасидан, давлат активларини самарали бошқаришни таъминлаш, ягона техник-иқтисодий, ишлаб чиқариш сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, шу жумладан инвестицияларни жалб этиш йўли билан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг янги турларини ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 нафар бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб аталади) Давлат активларини бошқариш марказига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади):

3-иловага* мувофиқ акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги акцияларнинг давлат пакетларини;

4-иловага* мувофиқ масъулияти чекланган жамиятларнинг устав фондларидаги давлат улушларини тасарруф этиш ҳуқуқисиз эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли равишда:

* 3-4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

қайта ташкил этилаётган «Мулк-Инвест» давлат унитар корхонасининг Марказга ўтаётган автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида қайта рўйхатдан ўтказилишини;

қайта ташкил этилаётган «Мулк-Инвест» давлат унитар корхонасининг кўчмас мулкига кадастр ҳужжатлари Марказга қайта рўйхатдан ўтказилишини;

«Мулк-Инвест» давлат унитар корхонаси қайта ташкил этилиши муносабати билан хўжалик юритувчи жамиятларнинг таъсис ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилишини йиғимлар ва бошқа тўловларни ундирмасдан амалга оширсинлар.

4. Белгилансинки:

қайта ташкил этилаётган «Мулк-Инвест» давлат унитар корхонасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Марказга ўтади;

қайта ташкил этилаётган «Мулк-Инвест» давлат унитар корхонасининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари қолдиғи тўлиқ ҳажмда Марказ ҳисоб рақамига ўтказилиши керак;

Марказ давлат активларини бошқариш бўйича ўз фаолиятида давлат номидан иш кўради;

акцияларнинг давлат пакетларини ва улушларини Марказга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек уларнинг кейинчалик Марказ томонидан ишончли бошқарувга берилиши баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳоланмасдан амалга оширилади;

хўжалик жамиятларидаги акциялар (улушлар)нинг давлат пакетлари Марказ томонидан танлов асосида ишончли бошқарувга берилади, уларнинг давлат ишончли вакилларига ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига берилиши ҳоллари бундан мустасно;

2012 йилнинг учинчи ва тўртинчи чорагида ҳамда 2013 йилнинг I чорагида давлат вакиллари хизматига ҳақ тўлаш Давлат рақобат қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Давлат мулки ижараси маркази томонидан Тошкент шаҳри бюджетига йўналтириладиган маблағларнинг бир қисми 2013 йилда, 2014 йилдан бошлаб эса — давлат улуши бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига амалда тушган дивидендларнинг бир қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишилган харажатлар сметаси бўйича давлат корхоналари фойдасининг бир қисмидан ажратиладиган ажратмалар таъминот, зарур моддий-техник базани шакллантириш, шунингдек Марказнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларини қоплаш манбаи ҳисобланади.

Бунда Марказга ўтказиладиган пул маблағлари унинг томонидан хўжалик жамиятларида акциядор (қатнашчи) сифатида олинадиган дивидендлар ҳисобланади ва уларга қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлов манбаида солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган ва Марказнинг ҳисоб рақамига ўтказиладиган бюджет маблағлари ҳисоби-

ни юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг алоҳида бюджетдан ташқари ҳисоб рақамида амалга оширилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ишончли бошқарувга берилган давлат активларини бошқариш улар томонидан ишончли бошқарув тўғрисидаги шартномага мувофиқ Марказ билан биргаликда амалга оширилади;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Марказга таҳлилий ахборотни, шу жумладан давлат унитар корхоналари ва ўзлари муассислар (акциядорлар, қатнашчилар) ҳисобланган хўжалик жамиятларининг молия-хўжалик фаолияти яқунлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бир ой муддатда:

Марказни ижара тўловининг нул ставкаси бўйича жойлаштиришни белгиланган тартибда таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий-норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Марказни белгиланган тартибда зарур Ҳукумат алоқаси билан таъминласин.


8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 11 июнь,
165-сон

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги
Давлат активларини бошқариш маркази
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимлари сони — 35 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 11 июндаги 165-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш,
монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини
бошқариш маркази тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) унга тезкор бошқариш учун берилган мол-мулкнинг давлат мулки негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси ҳисобланади. Марказ ўзига бириктирилган мол-мулкка нисбатан фаолиятни ушбу Низом билан қўйилган мақсадларга ва мулкдорнинг топшириқларига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган доирада амалга оширади.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Марказ юридик шахс ҳисобланади, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реқвизитларга эга бўлади.

4. Корхонанинг тўлиқ расмий номи:

давлат тилида: «Davlat aktivlarini boshqarish markazi» davlat unitar korxonasi;

рус тилида: Государственное унитарное предприятие «Центр по управлению государственными активами»;

инглиз тилида: «The Center on state assets management» state unitary enterprise.

5. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб аталади) Марказнинг муассиси ҳисобланади.

6. Марказ «Мулк-Инвест» давлат унитар корхонасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

7. Марказ Давлат рақобат қўмитасининг розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган

тижорат ташкилотларининг, шунингдек нотижорат ташкилотларининг қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.

8. Қонун ҳужжатларида Давлат рақобат қўмитаси учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари Марказнинг ходимларига татбиқ этилади.

Бунда Марказ ходимлари бир йилдаги фаолият якунлари бўйича олти лавозим маоши миқдорида мукофот тўлаган ҳолда рақобатлантирилади, унинг аниқ миқдори Давлат мулки қўмитаси раиси билан келишув бўйича, ҳар бир ходимнинг иш самарадорлигига боғлиқ равишда Марказ раҳбарининг қарори билан белгиланади.

9. Қуйидагилар Марказ фаолиятининг мақсадлари ҳисобланади:

эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун белгиланган тартибда унга берилган давлат активларини бошқаришнинг бозор механизмларига ўтиш;

давлат активларининг яхлитлигини, сақланишини ва ҳисоби юритилишини таъминлаш;

фаолиятнинг фавқулодда тури сифатида давлат активларини самарали бошқаришни ташкил этиш;

хўжалик жамиятларида давлат вакиллари малакасини мунтазам равишда ошириш тизимини ташкил этиш;

ишончли бошқарувчиларнинг, шунингдек устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятининг сифатли мониторинги олиб борилишини ва таҳлил этилишини ташкил этиш;

республикада бошқарув хизматлари бозори шакллантирилишига кўмаклашиш.

II. Марказнинг вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари ва давлат мулкни самарали бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари фаолиятининг натижадорлиги мониторингини олиб бориш;

акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик жамиятлари акцияларининг давлат пакетлари (улушлари) бўйича, шу жумладан уларни давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компанияларга ва хўжалик бошқаруви органларига ишончли бошқарувга бериш йўли билан акциядор (қатнашчи)нинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш;

устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари фаолияти самарадорлигини, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, сифатни бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий этиш ҳисобига ошириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш;

Марказга эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун берилган давлат активлари бўйича дивидендларнинг акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари

томонидан Давлат бюджетига ўз вақтида ва тўлиқ хажмда тўланишини таъминлашга қўмаклашиш.

11. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

конун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси номидан акцияларнинг давлат пакети (улушлари) бўйича хўжалик жамиятларининг акциядори (қатнашчиси) ҳуқуқини амалга оширади, шунингдек ушбу ҳуқуқларни ишончли бошқарувчиларга беради;

шу жумладан чет элдаги хўжалик жамиятлари бошқарув органларида ўзига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилган акцияларнинг давлат пакетлари (улушлар) бўйича акциядор (қатнашчи) сифатида давлат манфаатларини ифодалайди;

давлат активларининг инвестицион жалб этувчанлигини ошириш йўли билан хусусийлаштириш жараёнига қўмаклашади;

зарурият бўлганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларга мурожаат қилиш, шу жумладан юқори малакали мутахассисларни ёллаш йўли билан акциядор (қатнашчи) сифатида давлат манфаатларини химоя қилишни таъминлайди;

давлат мулкни бошқариш масалалари бўйича конун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

муассислар (акциядорлар), қатнашчилар ва ишончли бошқарувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар ва ахборот асосида давлат унитар корхоналарининг ва устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик бирлашмаларининг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилади, жамиятнинг бизнес-режаси параметрлари мунтазам равишда бажарилмаган тақдирда эса жамиятнинг ижро этувчи органи таркибини алмаштириш ташаббуси билан чиқади;

Давлат рақобат қўмитасининг Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш бош бошқармаси билан биргаликда устав фондида давлат улуши бўлган иқтисодий ночор, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилади, шунингдек уларни молиявий соғломлаштириш чораларини кўради;

давлат унитар корхоналари ва устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг самарали бизнес-режалари ишлаб чиқилишига қўмаклашади ва уларнинг параметрлари бажарилиши мониторингини олиб боради;

акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорлар ва кузатувчи кенгашларнинг ролини тубдан оширишга, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилишни таъминлашга, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан ижро этувчи органларнинг акциядорлар олдидаги жавобгарлигини кучайтиришга йўналтирилган корпоратив бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини кўради;

хўжалик жамиятларини самарали бошқаришни таъминлаш учун уларни корпоратив бошқаришнинг энг яхши илғор тажрибасини жорий этиш ишларини олиб боради;

хўжалик жамиятлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини, шу жумладан уларнинг молиявий натижаларини ошириш чораларини кўради;

ишлаб чиқаришни модернизациялаш, технологик қайта жиҳозлаш ва кенгайтириш жараёнларига зарур инвестицияларни жалб этиш учун хўжалик жамиятларининг қимматли қоғозларини чиқариш ташаббуси билан чиқиш орқали фонд бозорининг ривожланишига кўмаклашади;

устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг акциядорлари (қатнашчилари) умумий мажлисида иштирок этиш учун ишончли бошқарувчиларга, давлат вакилларига ва Марказ ходимларига ишончнома-лар беради;

хўжалик жамиятлари бошқарув органлари мажлислари кун тартиби масалалари юзасидан овоз бериш сиёсати бўйича ишончли бошқарувчиларга ва давлат вакилларига кўрсатмалар беради;

танлов асосида акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) ишончли бошқарувга беради, уларни давлатнинг ишончли вакилларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига бериш ҳоллари бундан мустасно;

республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари рўйхати бўйича таклифларни, шунингдек давлат активларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун Марказга бериш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Акциядорлик бирлашмалари ва компаниялардаги акцияларнинг давлат улушидан самарали фойдаланиш мониторингини олиб бориш бўйича комиссияга киритади;

давлатнинг ишончли вакилларини ва хўжалик жамиятларидаги давлат улушларини бошқариш бўйича инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиларини, шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлатнинг иштироки махсус ҳуқуқидан («олтин акция») фойдаланувчи давлатнинг вакилларини тайинлаш ва озод қилиш бўйича таклифларни Акциядорлик бирлашмалари ва компаниялардаги акцияларнинг давлат улушидан самарали фойдаланиш мониторингини олиб бориш бўйича комиссияга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади;

хўжалик жамиятларидаги давлат улушини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар билан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса бошқа юридик шахслар билан шартномалар тузади;

давлат активларини бошқариш самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқаришни ривожлантириш соҳасида консалтинг хизматлари кўрсатади;

Марказга юкланган вазифаларни бажаришни таъминлаш масалалари бўйича Марказнинг ваколатхоналари ҳамда Давлат рақобат қўмитасининг тегишли ҳудудий органлари ва идоравий мансуб тузилмалари фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бошқа тўловлар, давлат мақсадли фондлари, иш ҳақи ва дивидендлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганда, шунингдек кетма-кет икки чорак мобайнида бизнес-режанинг асосий параметрлари бажарилмаган тақдирда хўжалик жамияти (давлат корхонаси)нинг ижро этувчи органи билан

меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани жамиятнинг кузатувчи кенгашига киритади;

давлат унитар корхоналарида ва устав фондида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида ташқи аудитни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини танлайди ва аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича танловда қатнашиш учун, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Молия вазирлиги раҳбариятининг тасдиқлаши учун уларнинг рўйхатини тайёрлайди;

молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текшириш ёки устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамияти фаолиятининг махсус масаласи бўйича аудиторлик текширишини ўтказиш ташаббуси билан чиқади;

республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат-акциядорлик компаниялари ва устав фондида давлат улуши бўлган бошқа хўжалик жамиятларининг ижро этувчи органи ва кузатувчи кенгаши раҳбарларининг корпоратив бошқаришнинг сифатли тизимини жорий этиш бўйича ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида вақти-вақти билан эшитишни ташкил этади;

хўжалик жамиятларидаги давлатнинг ишончли вакилларини аттестациядан ўтказиши;

Давлат рақобат қўмитаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда корпоратив бошқаришни ривожлантириш ва ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини жорий этиш йўли билан давлат активларини самарали бошқариш, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг менежменти, давлатнинг ишончли вакиллари, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари билимлари ва қўникмалари даражасини ошириш билан боғлиқ семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш ва хўжалик жамиятларида давлат улушини бошқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар бўйича таклифлар тайёрлайди;

манфаатдор давлат органлари, ишончли бошқарувчилар билан биргаликда давлат унитар корхоналарида ва устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларида самарали дивиденд сиёсатини амалга оширишда қатнашади;

йилнинг ҳар чорагида Давлат рақобат қўмитасига давлат унитар корхоналари ва давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари, шунингдек ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги тўғрисидаги таҳлилий материалларни киритади;

Марказ фаолияти давомида аниқланган давлат активларини бошқаришни давом эттириш бўйича таклифларни Давлат рақобат қўмитасига киритади; давлатнинг ташкилотлардаги улушли иштироки мақсадларига эришиш учун бошқа тадбирларни амалга оширади;

Марказ маблағлари тушуми ва улардан фойдаланиш прогнозларини

ишлаб чиқади ва белгиланган муддатларда Давлат рақобат қўмитасига тақдим этади;

давлат вакилларининг хизматларига уларнинг фаолияти учун белгиланган тартибда ҳақ тўлайди;

давлат активларини самарали бошқариш, корпоратив бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш, менежмент сифатини ошириш бўйича, шунингдек давлатнинг хўжалик жамиятларидаги вакиллари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

ўз ваколатлари доирасида Марказ фаолиятини такомиллаштириш чораларини кўради ёки белгиланган тартибда таклифлар киритади;

жамиятни ривожлантириш учун йўналтирилган маблағларни устав фондига капиталлаштиришда хўжалик жамиятларига кўмаклашади.

Марказ ўзига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

12. Марказ ўзига юкланган функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органларидан, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, бошқа давлат ташкилотларидан ва устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларидан Марказга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни сўраш ва, зарурият бўлганда, бепул олиш;

илмий-тадқиқот, аудиторлик, адвокатлик, консалтинг ташкилотларини ва бошқа ташкилотларни, мустақил экспертларни ва корпоратив бошқариш, менежмент, молия ва қимматли қоғозлар соҳасида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни қўйилган вазифаларни жадал ҳал этиш учун белгиланган тартибда жалб этиш;

ўзгага ноқонуний берилган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар ва бошқа давлат активлари давлат божи тўланмасдан қайтарилиши тўғрисида судларга даъволар ва аризалар бериш, шунингдек ишларнинг судларда кўриб чиқишида қатнашиш;

зарурият бўлганда жойига бориб давлат мулкани хатловдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги мониторингини олиб бориш;

вазирликлар ва идоралар орасида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг кузатувчи кенгашларига номзодларни танлаш;

Давлат рақобат қўмитаси билан келишган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида хўжалик жамиятларининг устав фондида акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) ўзгартириш бўйича буйруқлар чиқариш;

ишончли бошқарувчиларга акциядор (қатнашчи) сифатида давлатнинг ҳуқуқлари бузилишларини бартараф этиш ва (ёки) уларнинг оқибатларини тугатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

хўжалик жамиятларининг устав фондларида давлатнинг иштирокини мақбуллаштириш юзасидан таклифлар киритиш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

III. Марказ фаолиятини бошқариш

13. Марказ Давлат рақобат қўмитасига ҳисобот беради.

14. Марказнинг муассиси сифатида Давлат рақобат қўмитаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Марказнинг стратегик вазифаларини ва унинг келгусида фаолиятини ривожлантириш йўналишларини аниқлашга доир таклифларни, шунингдек Марказ ишларининг йиллик режасини Акциядорлик бирлашмалари ва компаниялардаги акцияларнинг давлат улушидан самарали фойдаланиш мониторингини олиб бориш бўйича комиссияга киритиш;

ички аудит хизматини ташкил этиш, Марказ молия-хўжалик фаолиятининг, зарурият бўлганда — мустақил экспертлар ва аудиторларни жалб этган ҳолда ички аудит хизмати томонидан ўрганилишини ташкил этиш;

Марказнинг Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

Марказ фаолияти тартибини белгилайдиган ички низомларни тасдиқлаш;

йирик битишувлар ва содир этилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битишувлар тузилишини маъқуллаш масаласини кўриб чиқиш;

Марказнинг уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Марказнинг ваколатхоналарини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Марказнинг Бош директори билан меҳнат шартномаси тузиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида таклиф киритиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

Марказга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Марказнинг ижро этувчи органига даъво киритиш.

Давлат рақобат қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

15. Давлат рақобат қўмитаси белгиланган тартибда:

Марказнинг устав фондини шакллантиради;

Марказнинг устав фондига берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва сақланишини назорат қилади;

Молия вазирлиги билан Марказнинг харажатлари сметасини келишади;

Марказнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар унинг томонидан тўғри амалга оширилишини назорат қилади.

16. Марказнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш ижро этувчи орган номидан Бош директор томонидан амалга оширилади.

17. Марказнинг Бош директори Давлат рақобат қўмитаси раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

18. Бош директор якка бошчилик қиладиган ижро этувчи орган ҳисоб-

ланади ва ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини ижро этишда Марказнинг манфаатларини кўзлаб иш кўради.

19. Марказнинг бош директори:

Марказнинг вазифалари ва функциялари бажарилишини ташкил этади;

Марказ номидан иш кўради, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни, шу жумладан Бош директор ўринбосарларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари тузади, уларни ўзгартиради ва тўхтатади;

кейинчалик Акциядорлик бирлашмалари ва компаниялардаги акцияларнинг давлат улушидан самарали фойдаланиш мониторингини олиб бориш бўйича комиссиянинг тасдиқлаши учун йиллик иш режаси лойиҳасини Давлат рақобат қўмитасига киритади;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чораларини кўради;

Марказнинг ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида Марказ тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

замонавий фан-техника ютуқларига мувофиқ хўжалик бошқаруви органларида ва устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларида модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини жорий этиш дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилиши юзасидан назоратни амалга оширишда қатнашади;

янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллашни ташкил этади;

фаолиятнинг янги йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

IV. Марказ фаолиятини молиялаштириш тартиби

20. Марказ фаолиятини молиялаштириш давлат улуши бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига амалда тушган дивидендларнинг бир қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишилган харажатлар сметаси бўйича давлат корхоналарининг соф фойдасидан ажратмалар ҳисобига амалга оширилади.

Келгуси молиявий йил учун харажатлар сметаси Марказ томонидан, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишиш учун олдинги йилнинг 20 декабригача тақдим этилади.

V. Марказнинг мол-мулки

21. Марказнинг устав фонди унга молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун Давлат рақобат қўмитаси томонидан берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активларнинг йиғиндисидан иборат бўлади.

22. Марказнинг устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш Давлат рақобат қўмитасининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Тезкор бошқариш ҳуқуқи билан Давлат рақобат қўмитаси томонидан Марказга бириктирилган асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек унинг фаолияти давомида сотиб олинган, у ўз мажбуриятлари бўйича жавоб берадиган мулкчилик ҳуқуқи билан Марказга тегишли бўлган бошқа мол-мулк Марказнинг мол-мулкини ташкил этади.

24. Марказнинг мол-мулки бўлинмайди ва омонатлар (улушлар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

25. Марказнинг мол-мулкини тасарруф этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда бинолар ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотларни), акциялар ва улушларни реализация қилиш Марказнинг устав фонди тегишли равишда камайтирилган ҳолда Давлат рақобат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

VI. Даромадни (фойдани) тақсимлаш

26. Барча солиқлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Марказда қоладиган соф фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

27. Марказ маблағларидан хайрия мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас.

VII. Марказнинг ҳисоботлари

28. Марказ ҳисобот даври тамом бўлгандан кейин ваколатли органларга рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий ҳисоботларни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

29. Марказ фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат рақобат қўмитаси ва бошқа ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

30. Марказнинг Бош директори йилнинг ҳар чорагида молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида Давлат рақобат қўмитасига ҳисобот беради.

VIII. Марказнинг жавобгарлиги

31. Марказ:

ушбу Низом билан Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг, Давлат рақобат қўмитаси раҳбарлари топшириқларининг ва улар томонидан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, холисона, очиқ-ошқора, сифатли бажарилиши;

Ўзига тегишли мол-мулк билан ўз мажбуриятлари юзасидан;
Ўзига берилган давлат мулкининг мақсадли ва оқилона (самарали) бошқарилиши, шунингдек унинг сақланиши ва яхлитлиги учун жавоб беради.

32. Марказ Давлат рақобат қўмитасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

IX. Марказнинг ваколатхоналари

33. Марказ Давлат рақобат қўмитаси билан келишиб, қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда ваколатхоналар очиши мумкин.

34. Марказнинг ваколатхоналари Марказ томонидан тасдиқланган Низом асосида Марказ номидан иш кўради.

35. Марказнинг ваколатхонаси раҳбари Давлат рақобат қўмитаси билан келишган ҳолда Бош директор томонидан тайинланади ва ўзига берилган ишончнома асосида иш кўради.

36. Марказ ташкил этиладиган ваколатхоналарнинг мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

X. Марказни тугатиш ва қайта ташкил этиш

37. Марказ қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, муассиснинг қарорига кўра ёки суднинг қарорига биноан тугатилиши ёхуд қайта ташкил этилиши мумкин.

38. Марказнинг тугатилиши, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмасдан, унинг фаолияти тўхтатилишига олиб келади.

Марказни қайта ташкил этишда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтади.